



ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТУВЧИ–КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

Рўзиматов Э.Й.

*ЎзМУ Ижтимоий фанлар факультети
«Педагогика ва умумий психология» кафедрасини
катта ўқитувчиси.*

Рўзиматов Э.Э.

“Ижтимоий иш” кафедрасини ўқитувчиси.

Таянч сўзлар: мактаб, замонавий ўқитувчи, инновацион ва креатив фикр, таълим, тарбия, ёшлар.

Ключевые слова: школа, современный педагог, новаторская и творческая мысль, образование, воспитание, молодежь.

Key words: school, modern teacher, innovative and creative thought, education, upbringing, youth.

Ўзбекистон Республикасининг миллий мустақилликни қўлга киритиши жаҳон ҳамжамияти сафида ўз ўрнини эгаллаш, ўзлигини намоён этиш ҳуқуқини берди. Эндиликда ана шу ҳуқуқдан тўла фойдаланиш имкониятларини излаш, миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва уни янги ютуқлар билан бойитиш устувор ижтимоий мақсад саналади. Ана шу мақсадга эришиш ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама етук, баркамол қилиб тарбиялашни тақозо қилади. Баркамол шахсни шакллантириш ўта долзарб масала эканлигига Республика Президенти Шавкат Мирзиёев ўз маърузаларида алоҳида урғу бериб. Жумладан, “Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда” 1. деб такидлаб ўтганлар. Дарҳақиқат, ёшлар тарбиясини ташкил этишда хушёрликни йўқотмаслигимиз даркор. Бугунги кунда ёш авлодни чин маънода жаҳон билан бахшлашадиган ўқтам, дили ва тилидан одамлар озор чекмайдиган, шарқона одоб-ахлоқли, аммо ҳақини бировга бермайдиган, ҳам жисман, ҳам ақлан ва ҳам руҳан соғлом, бардам қилиб тарбиялаш замонавий ўқитувчи ва мураббийларнинг олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда



Давлатимиз раҳбари президентлик фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда инновацион ва креатив фикрлайдиган замонавий кадрлар тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш, шу мақсадда таълим тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Президентимиз томонидан халқ таълими тизимига оид фармон ва қарор, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилиниб, бу соҳадаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари мустаҳкамланди. Жумладан,

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 26 август кuni халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Президентимиз йиғилишда мактаб таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, бу борада олдимизда турган долзарб вазифалар ҳақида фикр юритар экан, улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактабдир” 2. деган фикрини алоҳида таъкидлаб, бу масаланинг моҳияти ва аҳамиятига атрофлича тўхталди.

Ҳақиқатан ҳам, жаҳондаги ривожланган давлатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларда жамият ҳаётини ўзгартиришга қаратилган ислоҳотлар аввало таълим тизимидан, боғча, мактаб, тарбия масаласидан бошланганини кўрамыз. Чунки мактабни ўзгартирмасдан туриб, одамни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди. Таълим ва тарбиянинг асоси, пойдевори бу – мактаб. Мактабни мактаб қиладиган куч эса ўқитувчилардир.

Маълумки, мураккаб ўтиш йилларида мактаблардаги маънавий-маърифий муҳит, ўқитувчи касбининг обрўи, нуфузи пасайиб кетгани, янги давр педагоглари тарбиялаш, педагогика фанини ривожлантириш, инновацион таълим технологияларини жорий этишга етарли эътибор берилмагани соҳада бир қатор жиддий муаммоларни келтириб чиқарди.

Ота-оналар, жамоатчиликнинг истақлари инобатга олиниб, юртимизда 11 йиллик мактаб таълими тизими тикланди. Сўнгги уч йилда юртимизда 157 та умумтаълим мактаби янгидан қурилди. Улуғ алломаларимиз – Мирзо Улуғбек ва Муҳаммад Хоразмий номидаги иқтидорли болалар мактаблари, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Исҳоқхон Ибрат, Муҳаммад Юсуф, Ҳалима Худойбердиева номлари билан аталган ижод мактаблари, “Темурбеклар мактаби”, Президент мактаблари, хусусий мактаблар сингари янги ва замонавий намунадаги таълим даргоҳлари ташкил этилгани юртимиз фарзандлари учун таълим-тарбия олиш борасида янги имкониятлар очиб бермоқда.

“Мактаб – бу ҳаёт-мамонт масаласи, келажак масаласи. Уни давлат, ҳукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак», 3. деди Шавкат Мирзиёев. Видеоселектор йиғилишида халқ таълими тизимини тубдан такомиллаштириш, муаммоларни комплекс ҳал этиш масалалари чуқур таҳлил қилиниб, келгусидаги вазифалар муҳокама этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 29 апрелдаги фармонига мувофиқ, Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Унда 48 та мақсадли кўрсаткичларга эришиш бўйича аниқ механизмлар белгиланди. Масалан, 2030 йилга бориб ўқувчилар билимини баҳолаш бўйича PISA халқаро дастури рейтингда Ўзбекистоннинг жаҳондаги етакчи 30 та мамлакат қаторидан жой эгаллаши мақсад қилиб қўйилган. Давлатимиз раҳбари ўқитувчининг мақоми ва нуфузини ошириш, ҳуқуқлари ва имтиёзларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. “Мактаб ўқитувчисини моддий рағбатлантирмасак, унинг ҳаёт сифати даражасини оширмасак, ислоҳот, натижа ҳақида гапира олмаймиз”, 4. деди Президент.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси, Молия ва Халқ таълими вазирликларига халқ таълими ходимлари ойлик иш ҳақини ошириш юзасидан кўрсатмалар берилди. Узоқ қишлоқлардаги мактабларга ўқитувчиларни жалб этишни янада рағбатлантириш учун уларга уй-жойлар, автотранспорт учун кредитлар бериш ҳам кўзда тутилган. Бу ишлар давлатимиз томонидан изчил давом эттирилади. Лекин бу – масаланинг бир томони. Иккинчи томондан, ўқитувчи ва мураббийларнинг ўзи ҳам билим ва касб маҳоратини ошириш, жамоат ишларида фаол иштирок этиш, ҳалол меҳнати ва ташаббускорлиги билан бу касбнинг обрўсини ошириши кераклигига урғу берилди.

Замонавий ўқитувчи–келажак бунёдкори. Зеро ўқитувчи – таълим ислоҳотининг бош ижрочисидир. Бунда ҳар бир ўқитувчини қисқа вақт ичида жуда катта миқдордаги ахборот тўпламини ўзлаштириш, қайта ишлаш ва амалда қўллай олиши муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизнинг келажаги, истикболдаги равнақи ёшларга, уларнинг маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш ва қандай таълим – тарбия олишларига боғлиқдир.

Ёшларнинг маънавий-ахлоқий сифатлари жиҳатдан ривожланиши бевосита таълим- тарбия жараёнида амалга оширилади. Шундан келиб чиқиб, ёшларнинг маънавий-ахлоқий сифатларидаги ютуқларини ҳам, бу борадаги камчиликлар, хатоликларни ўз вақтида аниқлаш бу ишни такомиллаштириш имкониятини беради.

Ёшларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш ва тарбиялаш қўп қиррали ва мураккаб жараёндир. Ёшларнинг маънавий-ахлоқий шаклланиши бир-бири билан узвий боғлиқ ва бири иккинчисини тақозо қиладиган ях-



лит таълим-тарбия ишларини мунтазам ва изчил равишда бажаришни талаб этади.

Шунинг учун «Таълим тўғрисида»ги Қонунда,» маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишларни такомиллаштириш, унинг замонавий тарбиявий шакл ва воситаларини ишлаб чиқиб, амалиётга тадбиқ этиш, миллий тарихий анъаналар ва умумбашарий қадриятларга асосланиш» 5. муҳим аҳамият касб этиши алоҳида қайд этилган. Умуман таълим-тарбиянинг миллий моделига кўра, таълим тизимини янгилаш – табиий равишда миллий меросимизни ўрганиш ва уни педагогик тафаккур истеъмолига олиб кириш заруриятини вужудга келтирмоқда.

Адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга йўллаган «Мурожаатнома» сидан. Тошкент 2022. й

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947- сонли Фармонининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши буйича Ҳаракатлар стратегияси». Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлар тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354- модда, 23-сон, 448-модда.

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш» концепцияси.

4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги «мактабгача ва мактаб таълимининг ривожлантиришга оид кўшимча чора тадбирлар тўғрисидаги -ПҚ-241-сонли қарори.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада жаҳондаги ривожланган давлатлар тарихига назар ташлаб, уларда жамият ҳаётини ўзгартиришга қаратилган ислохотлар аввало таълим тизимидан, боғча, мактаб, тарбия масаласидан бошланганини кўриб чиқамиз. Кенг маънода ўрганган назарий методолик тушунчалар мактабни ўзгартирмасдан туриб, одамни, жамиятни ўзгартириб бўлмаслигини жаҳон . Таълим ва тарбиянинг асоси, пойдевори бу – мактаб. Мактабни мактаб қиладиган куч эса ўқитувчилар эканлиги такидлаб ўтилган. Замонавий ўқитувчи–келажак бунёдкори. Зеро ўқитувчи – таълим ислохотининг бош ижрочисидир. Бунда ҳар бир ўқитувчини қисқа вақт ичида жуда катта миқдордаги ахборот тўпламини ўзлаштириш, қайта ишлаш ва амалда қўллай олиши муҳим аҳамиятга эга.

РЕЗЮМЕ

В этой статье мы рассмотрим историю развитых стран мира и увидим, что реформы, направленные на изменение жизни общества, начались в них, прежде всего, с системы образования, детского сада, школы, образования. Широко изученные теоретико-методологические концепции показывают, что человека и общество невозможно изменить без смены школы. Основой воспитания и обучения является школа. Было подчеркнуто, что учителя – это та сила, которая делает школу школой. Современный учитель – творец будущего. Ведь учитель является главным исполнителем образовательной реформы. Каждому преподавателю важно уметь усваивать, обрабатывать и приносить очень большой объем информации за короткое время.

SUMMARY

In this article, we will look at the history of the developed countries of the world and see that the reforms aimed at changing the life of the society started in them, first of all, from the education system, kindergarten, school, education. Broadly studied theoretical and methodological concepts show that people and society cannot be changed without changing the school. The basis of education and training is the school. It was emphasized that teachers are the force that makes a school a school. A modern teacher is a creator of the future. After all, the teacher is the main executor of the educational reform. It is important for each teacher to be able to absorb, process and apply a very large amount of information in a short time.